

12-1-2018

## FOREIGN EXPERIENCE OF PRACTICE OF STABILITY OF COMMERCIAL BANKS

J. isakov

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

isakov, J. (2018) "FOREIGN EXPERIENCE OF PRACTICE OF STABILITY OF COMMERCIAL BANKS,"  
*International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 13.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Исаков Ж.Я. – ТМИ, и.ф.д. доцент**

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БАҲҚАРОРЛИГИ АМАЛИЁТИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг баҳқарорлигини илғор хориж тажрибаси асосида таъминлаш имкониятлари асослаб берилган. Иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, уларнинг банклари фаолиятининг баҳқарорлиги тўғрисидаги қарашлари тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** Марказий банк, тижорат банки, ликвидлилик, регулятив капитал, капиталнинг етарлилиги, очик бозор сиёсати, давлат қимматли қоғозлари, Базель стандарти, фоиз сиёсати.

В статье обоснованы возможности обеспечения стабильной деятельности коммерческих банков Республики Узбекистан на основе передового зарубежного опыта. Были изучены научные труды научных ученых экономистов, также рассмотрены их взгляды по устойчивую деятельность коммерческих банков.

**Ключевые слова:** Центральный банк, коммерческий банк, ликвидность, регулятивный капитал, достаточность капитала, политика открытого рынка, государственные ценные бумаги, Базельский стандарт, процентная политики.

In the article there was investigated possibilities of maintenance of stability of activity of commercial banks of Uzbekistan on the basis of the best foreign experience. Surveyed science work of economists and their notions on stability of bank activities.

**Keywords:** The Central bank, a commercial bank, liquidity, regulatory capital, capital adequacy, open market policy, government securities, Basel standart, percentage policy.

### **Кириш**

Тижорат банклари фаолиятининг баҳқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва баҳқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий баҳқарорлиги ва ишончлилигини ошириш вазифалари қўйилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари фаолиятининг баҳқарорлигини илғор хориж тажрибаси асосида таъминлаш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

### **Адабиётлар таҳлили**

АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ) очик бозор сиёсати доирасида тескари Репо операцияларини қўллаш орқали тижорат банкларида юзага келган баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилишга қўмаклашади. Бундан

ташқари, ФЗТ очик бозорда қимматли қоғозларни сотиб олиш йўли билан банк тизими захираларини ва монетар базани кўпайтиради. Бу эса, пул таклифининг ошишига ва қисқа муддатли фоиз ставкаларини пасайишига олиб келади [2].

Тараққий этган мамлакатларда ҳукумат қимматли қоғозларни йирик миқдорда эмиссия қилувчи эмитент эканлиги Марказий банкларга очик бозор сиёсатидан фаол фойдаланиш имконини беради.

Шунингдек, тижорат банкларининг активлари ҳажмида сотиб олинган қимматли қоғозлар миқдорининг катта эканлиги ҳам очик бозор операциялари кўламини кенгайтириш имконини беради (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Barclays (Барклайс, Буюк Британия) банк активларининг таркиби, 2017 йилнинг 1 январь ҳолати [3]**

Активлар таркиби	Активнинг жами активлардаги улуши, %
Нақд пуллар ва Марказий банкдаги пул маблағлари	8,4
Бошқа банклардаги пул маблағлари	0,1
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	46,7
Берилган кредитлар	35,9
Асосий воситалар ва номоддий активлар	5,9
Бошқа активлар	3,0
Активлар -жами	100,0

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Barclays (Барклайс, Буюк Британия) банк активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестиция ва кредитлар асосий салмоқни эгаллайди. Ушбу икки активнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 82,6 фоизни ташкил этди. Барклайс банкда, бошқа кўплаб тижорат банкларидан фарқли ўлароқ, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар активлар таркибида кредитлардан ҳам катта салмоққа эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очик бозор операциялари ҳозирги даврда мавжуд эмас. Бунинг сабаби шундаки, республикамиз Марказий банки ўзининг очик бозор операцияларининг объекти сифатида фақат Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қимматли қоғозларини тан олади. Аммо Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини эмиссия қилиш, Давлат бюджети профицит билан бажарилаётганлиги сабабли, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тўхтатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сон Фармонида асосан, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очик бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлилигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни жорий этиш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [4].

АҚШ ва Япония мамлакатларининг тажрибаси кўрсатадики, давлат қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлашда миллий валютанинг барқарорлиги ва инфляция даражаси муҳим ўрин тутди. Айнан, мазкур мамлакатларда миллий валютанинг номинал алмашув курсининг девальвациясининг мавжуд эмаслиги ва инфляция муаммосининг йўқлиги давлат қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Эътироф этиш жоизки, республикамизда миллий валютанинг девальвация даражасиюқори эканлиги ва инфляция муаммосининг мавжудлиги давлат қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлашга тўсқинлик қилиши мумкин. Масалан, 2010-2016 йиллар мобайнида миллий валюта – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвация суръати 197,0 фоизни ташкил этди [5]. Бу эса, юқори даражадаги девальвация суръати ҳисобланади. Бунинг устига, республикамизда инфляцион кутишнинг кучайганлиги кузатилмоқда. Шу сабабли, 2017 йил якунига келиб, республикамизда инфляция даражасини 12-14 % даражасида бўлиши кутилмоқда [6].

Фикримизча, давлатнинг облигацияларига ва хазина мажбуриятларига фоиз ставкаларини белгилашда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан девальвацияси суръати ва инфляция даражасини ҳисобга олиш ушбу қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

#### **Тадқиқот натижалари таҳлили**

Тараққий этган мамлакатларда Марказий банкларнинг дисконт кредитлари, яъни тижорат банкларига Марказий банк томонидан, уларнинг балансидаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан берилган кредитларнинг фоиз ставкаси банклар фаолиятида юзага келган баланслашмаган ликвидлик муаммосини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Мазкур мамлакатларда Марказий банк ҳар бир молиявий йил учун олдиндан тратталарни, яъни узатма тижорат векселларини ўзида қайта ҳисобга олиш контингентини белгилайди. Қайта ҳисобга олиш контингенти ҳажмини белгилашда, асосан, қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- пул массасининг ўсиш суръати;
- инфляция даражаси;
- ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати.

Тратталарни қайта ҳисобга олиш контингентини мамлакатдаги тижорат банклари сонига бўлиш йўли билан ҳар бир банк учун белгиланадиган қайта ҳисобга олиш лимити суммаси аниқланади. Бу эса, лимитни аниқлашнинг адолатли усули ҳисобланади. Чунки, ушбу усулда барча тижорат банкларига, уларнинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, бир хил лимит белгиланади. Аммо ушбу усулнинг камчилиги шундаки, бунда тижорат банклари активлари миқдори ўртасидаги фарқ натижасида юзага келадиган ликвидли маблағларга бўлган талаб ўртасидаги фарқ ҳисобга олинмайди.

Ўзбекистон Республикасида тратталар муомаласи мавжуд эмас. Шу сабабли, тараққий этган мамлакатлар Марказий банкларининг дисконт кредитлари орқали банкларнинг ликвидлигига таъсир этиш борасидаги

тажрибасидан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имконияти ҳозирча мавжуд эмас.

Тараққий этган мамлакатларда мажбурий захира сиёсатининг монетар сиёсатни амалга оширишдаги аҳамияти жуда паст. Чунки, мажбурий захира сиёсати маъмурий мазмундаги инструмент бўлиб, тижорат банкларининг депозит базасига ва ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Республикамизда эса, мажбурий захира сиёсати Марказий банк монетар сиёсатининг асосий инструментларидан бири бўлиб ҳисобланади.

2009 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, Марказий банкнинг мажбурий захира ставкалари тижорат банклари депозитларининг муддатларига боғлиқ равишда табақалаштирилди:

- талаб қилиб олинган депозитлар бўйича – 15%;
- 1 йилгача муддатга жалб қилинган депозитлар бўйича – 15%;
- 1 йилдан 3 йилгача муддатга жалб қилинган депозитлар бўйича – 12%;
- 3 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар бўйича – 10,5%.


Мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги ва захира ажратмалари суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидан олиб қўйилаётганлиги банкларнинг депозит базаси ва ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Фикримизча, монетар сиёсатнинг бозор мазмунига эга бўлган инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга муваффақ бўлингандан сўнг мажбурий захира сиёсатидан монетар инструмент сифатида фойдаланишни бекор қилиш лозим.

Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда регулятив капиталнинг етарлилиги ва барқарорлигини таъминлаш муҳим ўрин тутади.

Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, Базель қўмитасининг банк назорати бўйича янги талабларини мамлакат банк амалиётига жорий этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқноси қабул қилинди ва унда Базель қўмитасининг бир қатор янги талаблари, шу жумладан, капиталининг етарлилигига қўйиладиган талабларни босқичма-босқич ошириб бориш бўйича талаблари ўз аксини топди.

Сўнгги йилларда республикамиз тижорат банклари регулятив капиталининг ўсиш тенденциясини кузатилаётганлиги унинг етарлилигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари регулятив капиталининг миқдори, трлн. сўм[7].**

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, республикамиз тижорат банклари капиталининг етарлигини таъминлашда муаммолар мавжуд эмас. Яъни тижорат банклари капиталининг етарлилик даражаси Базель стандарти талабларига жавоб беради. 2016 йил якуни бўйича тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан деярли 3 баробардан зиёд бўлди [8].

Аmmo тижорат банклари капиталининг барқарорлигини таъминлашда муаммолар мавжуд. Бу борадаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, барқарор бўлмаган молиялаштириш манбалари – девальвация захираси ва имтиёзли кредитлаш фонди маблағларининг тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибида ҳисобга олинаётганлигидир.

### **Хулоса ва таклифлар**

-базель стандарти бўйича девальвация захираси ва имтиёзли кредитлаш фонди маблағларини умумман тижорат банклари капитали таркибига киритиш мумкин эмас. Чунки регулятив капитал барқарор молиялаштириш манбаларидан ташқил топган бўлиши лозим;

-тижорат банклари регулятив капиталининг таркибидан девальвация захирасини ва имтиёзли кредитлаш фондининг маблағларини чиқариб ташлаш керак;

- тижорат банки оғир молиявий ҳолатга тушиб қолса, регулятив капиталдан фойдаланган ҳолда ушбу оғир молиявий ҳолатдан чиқиб кетиш имконига эга бўлиши лозим;

-девальвация захираси регулятив капитал таркибидан чиқарилгандан сўнг тижорат банкининг даромадига ўтказилади. Агар даромадга олиб борилган девальвация захираси фойда солиғидан озод қилинмаса, унда тижорат банкининг молиявий барқарорлигига жиддий зиён етади.

Хулоса ўрнида айтганда, тижорат банкларида юзага келган баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилишда монетар сиёсатнинг родини ошириш ва

банклар регулятив капиталининг барқарорлигини таъминлаш тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

2. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дело и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. – С.55-56.

3. Barclays PLC. Annual Report 2016. [Wwwbarclays.com](http://www.barclays.com).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – 945-модда.

5. Валюта курслари. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

6. Монетар сиёсатнинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. – Тошкент, 2017. – 13-б.

7. Монетар сиёсат. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).

8. Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари//Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2017. – №1.–24-б.